
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ФАРҒОНАДА КАТТА ШОДИЁНАГА АЙЛАНДИ

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан катта байрам тадбири ўтказилди.

Фарғона шаҳридаги “Файз” тантаналар мажмуасида ўтказилган тантанали тадбир, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров томонидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттириш билан бошланди.

Президентимиз табрикларида таъкидланганидек, “Кейинги йилларда “Халқ ва армия – бир тану бир жондир” деган эзгу тамойил асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда фуқароларимиз армиянинг ҳар томонлама ёрдами ва кўмагини ҳаётнинг барча соҳаларида амалда ҳис этмоқдалар. Айниқса, мураккаб синов даври бўлган пандемия пайтида ва фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишда, биз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо бойлик – тинчлик ва осойишталикни асраш ва ҳимоя қилишда бу яқдиллик янада яққол намоён бўлмоқда”.

Тадбирда Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони биринчи ўринбосари Жамшид Каримов, вилоят секторлари раҳбарлари, Миллий гвардия, кучишлатар тузилмалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вилоят бошқармалари раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар, шунингдек, давлат, жамоатчилик ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Байрам тантаналари давомида юрт тинчлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбийларга “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 30 йил” эсдалик нишони, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Тадбир элимиз ардоғидаги санъаткорлар Алишер Файз, Илҳом Иброҳимов, Муҳсинжон Мўминовлар ижросидаги куй-қўшиқлар билан давом этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-01-14 19:36:16